

Эмизган онанинг ўрни ва унга яхшилик қилиш



13:33 / 20.04.2025 1729

Икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг онасидан бошқа эмизикли аёлни тўйиб эмиши ила у аёл боланинг онасига, эри отасига, фарзандлари ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, бу аёлнинг бошқа қариндошлари ҳам эмган болага хеш бўладилар. Гўдакнинг суюги ва эти она сутидан шаклланади. Шунинг учун уни эмизган аёл ҳам туққан онаси каби бўлади. Бинобарин, худди ўз онасини эъзозлагандек, унинг ҳам ҳурматини жойига қўйиш ва қадрлаш лозим.

يَتَّالِهُرَّيْطَ مَسَّوَهُ يَلْعُهُ لَلِ اِيْلَصِيْبِنِ لَ اِيْلِ اِيْتَا جَ : لَ اَقْرَدَكَ نُنْمَلِ اِنْبِ دَمَّ حُمٌ نَع
يُوئَادِرِ اِيْلَعِ اَسَلَجَ اُمُّ ثَ ، «يِيْمُ اَبَ حَرَمَ» : لَ اَقْرَمُ ثَ اِدِرِ اَهْلَ طَسَبَفُ ، هَتَعَضْرَأُ

Муҳаммад ибн Мункадирдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига у зотни эмизган аёл келди. Шунда у зот ридоларини ерга ёзиб, «Марҳабо, онажон!» деб уни ридоларининг устига ўтирғиздилар».

Шарҳ: Демак, аёл фақат эмизган бўлса ҳам, ўша эмизган онасининг ҳаққи туққан онанинг ҳаққидек бўлар экан. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини эмизган аёлни «онам» деб атаганлари, келганларида ўринларидан туриб, ҳурмат-иззат қилганлари, ўзларининг кийимларини, ридоларини ечиб, тўшаб, ўшанинг устига ўтирғизиб, ҳурмат кўрсатганлари мана шунга далил, ҳужжат бўлади.

أَمْ لَمْ يَسْوَوْا لَيْلَهُ لِيَلْصِقْ لُحْمَهُ أَلْوَسَ رَ لَيْسَ : لَأَقْدَهُ يَبْأَنْ عَجَّ حَجَّ حَنْ ع
«مَ أَوْ دَبَّ عُرُغُ» : لَأَقْدَهُ لِيَلْصِقْ لُحْمَهُ أَلْوَسَ رَ لَيْسَ : لَأَقْدَهُ يَبْأَنْ عَجَّ حَجَّ حَنْ ع

Ҳажжож ибн Ҳажжож отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мендан эмизганлик ҳаққи(ни адо этмаганлик) мазамматини нима кетказди?» деб сўрашди.

«Бир қул ёки чўри озод қилиш», дедилар».

Шарҳ: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мени биров эмизган. Унинг эмизганлик ҳаққини адо эта олмаганман. Бу нуқсоннинг ёмонлигини нима кетказди? Нима қилсам, бу гуноҳни юваман, яъни мени эмизган шахснинг ҳаққини адо қиламан?» деб сўрабди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом бу саволга: «Битта қул ёки чўри озод қилиб», деб жавоб берибдилар.

Демак, эмизган аёлларнинг ҳаққи юқори даражада, олий бир мақомда бўлар экан.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.